



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 251 (13.584)

Баҳоси эркин нарҳда

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН:

БАЖАРИЛГАН ИШЛАР ТАҲЛИЛИ ВА ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР

**Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 декабрь кун
Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди.**

Ташрифдан асосий мақсад аввал берилган вазифалар ижросини кўриш, таҳлил қилиш ва келгуси икки йилда амалга оширилиши зарур бўлган устувор йўналишларни белгилаб олишдир.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 20-21 январь кунлари Қорақалпоғистонда бўлиб, ҳудуд иқтисодийётини ривожлантириш, ижтимоий шароитларни яхшилаш бўйича тизимли чора-тадбирларни белгилаб берган эди. Утган вақт мобайнида улар тўла амалга оширилди.

Ташриф якунига кўра ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ, саноатни ривожлантириш борасида умумий қиймати 160 миллиард сўмга яқин 242 лойиҳа бажарилди. Бу қарийб 4 минг иш ўрни яратиш имконини берди.

Масалан, Қораўзақ туманидаги "Қорақалпоқ цемент" корхонасида биринчи босқичда йилга 200 минг тонна цемент, Нукус шаҳридаги "Техник глобал" корхонасида "Самсунг" бренди остида йилга 150 минг телевизор, "Нукус полимер" корхонасида йилга 8 минг тонна полиэтилен қувурлар ва ҳўжалик буюмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Тўртқўл туманидаги "Бегатекс глобал" корхонасида йилга 5 минг тонна ип-калава ишлаб чиқарилмоқда.

Қорақалпоқ аҳолиси учун низоҳатда муҳим ва долзарб масала бўлган ичимлик суви муаммоси йиллар давомида ҳал этилмай келаётган эди. Шунини инобатга олиб, қисқа вақтда 101 километрлик "Кўнғирот – Мўйнок" сув қувури ва "Кўнғирот" сув тақсимлаш иншооти қуриб битказилди. Бунинг натижасида Мўйнок туманидаги 25 минг аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Бундан ташқари, инвестиция дастурига мувофиқ бюджет маблағлари ва Оролбўйи ҳудудини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан мавжуд сув тармоқлари реконструкция қилинди ва янгиланди. Шу тариха 35 аҳоли пунктида 50 мингдан зиёд одам ичимлик суви билан таъминлангани бу борадаги ишларнинг изчил давоми бўлди.

Нафақат Қорақалпоғистон, балки бутун мамлакатимизнинг фахри бўлган, дунёда "Саҳродаги Лувр" деб шухрат қозонган И.Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейининг муҳташам иккинчи корпуси қурилиб, юксак халқаро стандартлар асосида жиҳозланди ва фойдаланишга топширилди.

Қорақалпоқ давлат ўлкашунослик музейи биноси, Ўзбекистон Қаҳрамони Ибройим Юсупов номидаги иқтидорли болалар мактаби, Амир Темури номидаги истироҳат боғи, замонавий имкониятларга эга йирик спорт мажмуаси бунёд этилди. Имом Эшон Мухаммад жоме масжиди реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

Бундай ўзгаришлар барча туманларда, қишлоқ ва овулларда рўй берди. Ҳудуд иқтисодийётини ривожлантириш, аҳоли турмуш даражаси ошди. Энг муҳими, одамлар бундан ўз ҳаётларида сезмоқда.

Шу боис Қорақалпоғистон аҳолиси Президентимизнинг бу галги ташрифини ҳам кўтаринкилик билан кутди. Ташриф кун тартиби, танишилган объектлар ва белгиланган чора-тадбирлар шунга яраша аҳамиятли, кенг қўламли бўлмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикасига ташрифини Чимбой туманидаги 8-мактабга таълим муассасасидан бошлади.

Ташриф болалар боғчасидан бошланганида катта маъно мужассам. Президентимиз ўзининг ҳар бир қиши ва ҳудудларга ташрифиди мактабга таълим сифатини ошириш, мактабга таълим муассасаларида болаларни мактабга сифатли тайёрлашни тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш ташаббусини илгари сурмоқда ва бу борада муҳим вазифалар қўймоқда.

Президентимизнинг 2016 йил 29 декабрдаги "2017-2021 йилларда мактабга таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилиниб, мактабга таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жумладан, қишлоқ аҳоли пунктларида янги ана мактабга иншоотлар қуриш, уларни замонавий ускуналар, ўқув-методик қўланмалар, мультимедиа ресурслари билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 30 сентябрдаги "Мактабга таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан Мактабга таълим вазирлиги ташкил этилди. Янги вазирлиқнинг асосий вазифалари босқичма-босқич барча болаларни мактабга таълим тизимига қамраб олиш, ўзаро рақобат қилувчи давлат ва нодавлат МТМлари тармоғини яратиш, амалиётга мактабга таълим ва болаларни тарбиялашнинг муқобил шакллари жорий этишдан иборат.

Мазкур қарор ва фармон ижроси юзасидан бүгун Қорақалпоғистон Республикасида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳудудда 318 та мактабга таълим муассасаси бўлиб, уларнинг 3 таси хусусий, 7 таси турли ташкилотлар тасарруфиди. Уларда 48 минг 106 нафар, умумий болаларнинг 32 фоизи таълим-тарбия олмақда.

Давлатимиз раҳбари мазкур боғчада болаларга яратилган шароитлар билан танишди, уларни яқинлашиб келаётган Янги йил байрами билан табриклади.

Мактабга таълим тизимига алоҳида эътибор қаратаётганимиз бежиз эмас, деди Шавкат Мирзиёев. Ёшлар тарбиясига бүгун эътибор бермасак, эртага кеч бўлиши мумкин. Мактабга таълим муассасаларини Қорақалпоғистоннинг иқлим шароитидан келиб чиқиб қуриш керак. Ҳар бир хонани иситиладиган пол билан таъминлаш зарур. Бундан ташқари, бу соҳа учун кадрлар тайёрлаш тизимини ҳам қайта кўриб чиқиш, бунинг учун олий таълим муассасалари қошида махсус курслар ташкил қилиш лозим. Тарбиячилар савияси болалар келажаги учун муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз янги қурилаётган боғчалар лойиҳасини тайёрлашда Жанубий Корея тажрибасини татбиқ қилиш лозимлигини қайд этди.

Бундай иншоотларни эскича руҳдаги лойиҳалар асосида қуриш ўзини оқламайпти. Болаларнинг ётоқхоналари ва дарсхоналарини кенг ва ёруғ қилиб бунёд қилишимиз, маъмурий хоналарни ихчамлаштиришимиз керак, деди давлатимиз раҳбари.

Шу ерда 50, 100, 150 ўринли мактабга таълим муассасаларининг намунавий лойиҳалари тақдироти

бўлиб ўтди. Янги лойиҳаларда мактабга таълим муассасаларининг давлат ва нодавлат тармоқларини янада кенгайтириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, давлат ва хусусий сектор шериклиги шартларида мактабга таълим муассасаларининг янги шакллари жорий этиш каби маълумотлар ўз ифодасини топди.

Педагогика коллежини тугатган ёшларни қайта тайёрлов курсларида жалб этиб, уларни мактабга таълим муассасаларига ишга қабул қилиш бўйича топшириқ берилди.

Президентимиз Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалининг Чимбой туманидаги академик лицейига ташриф буюрди.

Шу ерда фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, дори-дармон воситалари ҳамда тиббийёт буюмлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, икки бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган юқори сифатли препаратлар билан тўлдириш борасида амалга ошириладиган истиқболли лойиҳалар тақдим этилди.

Давлатимиз раҳбари мазкур соҳа истиқболини юқори баҳолаб, бу борада мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш зарурлигини таъкидлади.

Пахтани фойда берса ҳам, фойда бермаса ҳам эканлиги вақти ўтди. Даромад бермадим, бошқа экин экиш керак. Масалан, қизилмия бу ҳудуд иқлими ва шароитига мос келади. Шундай экан, нима учун уни қўпайтиришни йўлга қўймаслигимиз керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Чимбой туманидаги "Lanextrakt" қўшма корхонасида қизилмия илдиздан экстракт ишлаб чиқарилади. Корхонада йилга 30 минг тонна қизилмия илдизи қайта ишланиб, 1,3 минг тонна экстракт тайёрланади. Хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда ташкил этилган корхонада 200 иш ўрни яратилган.

Президентимиз Қорақалпоғистон Республикасида фармацевтика плантацияларини ташкил этиш ва етиштириш лойиҳаси билан ҳам танишди. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 3 майдаги "Нукус-фарм", "Зомин-фарм", "Косонсой-фарм", "Сирдарё-фарм", "Бойсун-фарм", "Бўстонлик-фарм" ва "Паркент-фарм" эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан ҳудудда кенг қўламли ишлар амалга оширилиб, мавжуд ишлаб чиқариш имкониятлари ва ресурслар салоҳиятидан самаралар фойдаланиш орқали янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳудудда фармацевтика саноатини ривожлантириш йўналишида 2018-2019 йилларда қиймати 27 миллион долларга тенг 17 лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Мазкур лойиҳалар доирасида 37 турдаги фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарилади ва уларнинг бир қисми экспорт қилинади.

Нукус шаҳридаги "Нукус Мед Тек" МЧЖ томонидан тиббий буюмлар, "Берлин фарм" МЧЖ томонидан онкологик дори воситалари ишлаб чиқариш йўлга қўйлади. Тўртқўл туманидаги "Тўртқўл шиша идишлари" МЧЖда фармацевтика шиша идишлари тайёрланади.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Юртимиз азалдан ислом илм-фани ва маданиятининг қадимий бешикларидан бири ҳисобланади. Имом Бухорий, Бурхониддин Марғиноний, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Махмуд Замахшарий, Кафол Шойий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валии, Мухаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқа кўплаб алломалар номи нафақат ислом, айна вақтда жоме цивилизацияси тарихида ҳақли равишда олтин харфлар билан битилган.

Мустақиллик шарофати ўлароқ диний ва миллий қадриятларимиз тўлалигича тикланди, улуг аجدодларимизнинг хотираларига муносиб эҳтиром кўрсатилди, улар қолдирган диний-илмий ва маънавий-маърифий меросни ўрганиш учун имкониятлар яратилди.

Ўзбекистонда диний таълим тизими ўзининг кўп асарлик ва бой анъаналарига эга. Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент мадрасалари ўрта асрларнинг университетлари вазифасини бажарган. Урта асрлардаёқ Бухоро ўзининг мадрасалари ва уламолари билан шухрат қозонган ва ҳақли равишда "Ислом оламининг қуввати" унвонига сазовор бўлган.

Муслмон ренессанси, яъни илмий-маърифий йўғониш даврига асос солган улуг аждодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда ҳам маърифатли дунёни ҳайратга солиб келаётган илмий меросни ўрганиш, илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, улар яратган илмий йўналишлар ва мактаблар анъаналарини давом эттириш бугунги авлод олдида турган долзарб вазифалар сирасига кириди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНING МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Аввал хабар берилганидек, 2017 йил 15 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлиси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Йўлдошев олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлисини жорий йилнинг 20 декабрь кунин Тошкент шаҳрида чакриш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига 2018 йилги Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сибсатининг асосий йўналишлари тўғрисидаги масала киритилмоқда.

Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини тубдан оширишга, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясидан келиб чиқадиган вазифаларнинг изчил ижросига қаратилган Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонуналари ва масалалар киритилмоқда.

"Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги, "Келажақ бунёдкори" медалини таъсис этиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари кўнни белгилаш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кўнни белгилаш тўғрисида"ги, Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги Ҳарбий доктринасини тасдиқлаш тўғрисидаги, янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикасининг

Маймий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси, "Айрым давлат органлари фаолияти тақомиллаштирилиши, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлар ва бошқалар шулар жумласидандир.

Шу билан бир қаторда ялпи мажлисда сенаторлар 2018 йилда фермер ҳўжалиқларини босқичма-босқич қўп тармоқли фермер ҳўжалиқларига айлантириш бўйича дастур тўғрисидаги масалани кўриб чиқадилар, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ички ишлар органларининг жониятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасидаги фаолияти тўғрисидаги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг 2017 йилдаги ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотини эшитадилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Олий Мажлиси Сенати қўмиталари ва девонининг ўн учинчи ялпи мажлисга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишга доир ишларини мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан тегишли ишчи гуруҳ тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати

24 декабрь – Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов кўни

Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайловолди ташвиқоти давом этмоқда.

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИГИ ВА ДАСТУРИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ БИЛАН ГАЗЕТАМИЗНИНГ 3-САХИФАСИДА ТАНИШАСИЗ.

XXI саҳоси
Барча манбалардан олинган суҳбат хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқандда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон иқтисодчилар уюшмаси, Банк-молия академияси ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида "Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисmini ошириш ва субвенциядан чиқаришнинг долзарб масалалари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

● Фарғонада Ўзбекистон Республикаси суд, ҳуқуқ-тартибот ва назорат органлари раҳбарлари иштирокидаги "Суд, ҳуқуқ-тартибот ва назорат органлари фаолиятида коррупция ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилишга қарши курашиш, адолатли жамият қуришда фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш муаммолари" мавзусида аҳоли билан ўтказилган учрашувларда кўплаб муаммоларга ечим топилди.

● Термизда "Йил аёли" кўрик-танловининг Сурхондарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, "Нуроний" жамғармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган танловда унинг шаҳар ва туман босқичлари ғолиблари билим ва маҳоратини намойиш этди.

● Нукусда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган "Маҳалла – менинг тақдиримда" кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Танловда 15 жамоа уч шарт бўйича ўз салоҳиятини намойиш этди. Ҳар бир иштирокчи ўзлари истиқомат қилаётган ҳудуд тарихи, "Оила – маҳалла – таълим муассасаси" ҳамкорлиги, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар бўйича саволларга жавоб берди.

ЖАҲОНДА

● Шу кунларда турли китъаларда обҳавонинг кескин ўзгариши кузатилмоқда. Чунотчи, Россиянинг марказий қисмида ҳаво одатдагидан кўра 10 даража юқори бўлса, Шимолий Африкада жойлашган Марокаш давлатида қалин қор ёғди. Буюк Британияда ҳам кучли қор ёғиши тўфайли мактаблар яна ёпилди. Кеча Москвадаги ҳавонинг илиқлиги рекорд даражага етиб, 7,7 градусдан иборат бўлди.

● Кеча Бойкўнғирдаги космодромда япониялик, америкалик ва россиялик фазогирлардан иборат халқаро экипажни ўз салоҳида жойлаган "Союз МС-07" космик кемасининг парвози амалга оширилди.

● Францияда автобуснинг электр поездга урилиб иккига бўлиниб кетиши натижасида беш нафар одам ҳалок бўлди, 18 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Уларнинг олти нафари оғир аҳволда. Ҳозирда ушбу йирик автоҳалокатнинг сабабчилари аниқланмоқда.

● Покистон жанубида жойлашган черковга террорчи-камикадзеларнинг ҳужуми натижасида кучли портлаш рўй бериб, саккиз киши ҳалок бўлди, 44 нафар одам жароҳатланди.

ҚОРАҚАЛПОФИСТОН:

БАЖАРИЛГАН ИШЛАР ТАҲЛИЛИ ВА ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу каби фармацевтик маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган бошқа лойиҳалар ҳам тақдим қилинди. Лойиҳаларда целлюлоза ишлаб чиқариш ҳақидаги маълумот ҳам ўрин олди. Икки босқичда амалга ошириладиган мазкур лойиҳа қўғоз ишлаб чиқаришдан тайёр маҳсулотгача бўлган жараёни ўз ичига олади.

Қорақалпоғистон Республикасида бўш турган ва кам қувват билан ишлаётган бино ва майдонлар хатловдан ўтказилгани тўғрисидаги маълумот асосида янги қорхоналарни ишга тушириш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, лойиҳаларда кам таъминланган оилаларни иш билан таъминлаш бўйича тақлифлар ўрин олган.

Давлатимиз раҳбари Чимбой тумани фаоллари, зиёвчилар билан учрашди. Учрашувда бугун дунёда рўй бераётган ўзгаришлар, аҳолини қийнаётган муаммолар, таълим, тиббиёт тизимини такомиллаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Шавкат Мирзиёев Тахياتош туманига ташриф буюрди.

Бу ерда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ривожлантириш бўйича 2017 йилда амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берилди. Президентимизнинг аввалги ташрифидан сўнг 2 минг 112 лойиҳа амалга оширилди. Саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги ушбу лойиҳалар натижасида экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, 11 мингга яқин иш ўрни яратилди.

Қорақалпоғистон Республикасини 2018-2019 йилларда комплекс ривожлантириш дастури доирасида яна 1 минг 309 лойиҳа режалаштирилган. Уларни амалга оширишга ташаббускор қорхоналар ва тижорат банклари маблағлари, хорижий инвестициялар йўналтирилади. Бунинг натижасида янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади, маҳаллийлаштириш ва қайта ишлаш даражаси ошади, 10 мингга яқин иш ўрни ташкил этилади.

Худуд саноатини янги босқичга кўтариш мақсадида мамлакатимиздаги йирик қорхоналар ҳам жалб этилган. Хусусан, Навоий кон-металлургия комбинати Тахياتош туманида металл конструкциялар ва ностандарт жихозлар, Олмалик кон-металлургия комбинати Қораўзак туманида темир-бетон маҳсулотлар ва кум-шағал ишлаб чиқарилиши режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистон иқтисодий диверсификация қилиш, қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспортни кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Тебинбулоқ конини ўзлаштириш истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда металл маҳсулотлар мавжуд шундай буюмларни эритиш орқали ишлаб чиқарилмоқда. Тебинбулоқ кони темир рудасининг улкан захирасига эга. Ушбу конни ўзлаштириш икки босқичда амалга оширилади. Натижада 2021 йилдан бошлаб йилга 1 миллион тонна пўлат ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлади. Бу борадаги ишларни ташкил этиш мақсадида "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти таркибида дирекция ташкил этилди.

Самарасиз фойдаланилаётган объектлар негизда янги қорхоналар ташкил этиш лойиҳалари ҳақида ҳам маълумот берилди. Қорақалпоғистонда 6 та кичик саноат зонаси ташкил этиш режалаштирилган. Улардаги объектлар 5 йил мuddатга кейинчалик мулк ҳуқуқини расмийлаштириш шарт билан бепул берилди. Мухандислик-коммуникация тармоқларини қуриш ва тиклаш ишлари давлат бюджетни ҳисобидан амалга оширилади. Шу тарика ушбу зоналарда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, тadbиркорлиқни ривожлантириш учун зарур шароит яратилади.

Шу ерда "Ўзқурилишматериаллари" ва "Ўзбек-энерго" акциядорлик жамиятлари томонидан амалга ошириладиган ишлар, Оролбўйи аҳолиси турмуш даражасини яхшилашга қаратилган режалар намойиш этилди.

Президентимиз ушбу режа ва мақсадларнинг Қорақалпоғистон ҳаётидаги аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди, уларнинг ҳар бири бўйича топшириқлар берди.

Давлатимиз раҳбари Ҳўжайли туманида барпо этилаётган замонавий логистика маркази бўлди. Мазкур худудда логистика маркази қуриш топшириғи Президентимизнинг жорий йили январь ойида Қорақалпоғистонга ташрифи давомида берилган эди.

"Ҳўжайли агросаноат маркази" МЧЖ томонидан ташкил этилаётган марказ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш билан шугулланади, ички бозорни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ўзлуксиз таъминлаш, ер майдонларидан унумли фойдаланиш, янги иш ўринлари яратиш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

15,3 гектар майдонни эгаллаган мажмуада 2018 йилда 5 минг тонна мева-сабзавотни қадоқлаш, саралаш ва қайта ишлаш имконияти яратилди, 150 киши иш билан таъминланди.

Шу ерда Қорақалпоғистонда озик-овқат саноати соҳасида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари, қорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ва балиқчиликни ривожлантириш бўйича дастурлар тақдими бўлиб ўтди. Хусусан, 2018-2019 йилларда мева-сабзавот ва гўштни қайта ишлаш, совуқтиқлар қуришга оид 70 лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. 2018-2020 йилларда қорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш дастури доирасида 250 лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш кўзда тутилган. Натижада 730 дан ортиқ иш ўрни яратила-

ди. 2018-2020 йилларда балиқчиликни ривожлантириш дастури доирасида 6 лойиҳа бажарилади. Нукус ва Қонлиқўл туманларида шולי майдонларида балиқ етиштириш технологияси татбиқ этилади.

Президентимизга 2018 йили Қорақалпоғистонда томорқалардан самарали фойдаланиш дастури лойиҳаси ҳам тақдим этилди.

Давлатимиз раҳбари мазкур лойиҳалар аҳамиятига тўхталиб, уларни янада такомиллаштириш ва ўз вақтида амалга ошириш бўйича топшириқлар берди.

Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикасида мелиорация ва ирригация тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини таништирди.

2013-2017 йилларда Оролбўйи минтақасида бюджет ва марказлашган капитал маблағлар ҳисобидан 248 миллиард сўмлик ирригация-мелиорация тadbирлари амалга оширилиб, 140 минг гектар майдоннинг сув таъминоти ва 231 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Президентимизнинг жорий йил 27 ноябрдаги "2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Ушбу қарорга мувофиқ, келгуси икки йилда қарийб 140 километр каналлар ҳамда 63 гидро-техник иншоот реконструкция қилиниб, 60 минг гектар сугориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади. 246 километрдан ортиқ коллекторларни қуриш-реконструкция қилиш, 3 минг 735 километр узунликдаги коллекторларни таъмирлаш ва тиклаш ишлари амалга оширилади. Натижада 89 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, қишлоқ хўжалиги экинларидан олиннадиган ҳосилдорлиқни оширишга эришилади.

Тўртқўл туманида барпо этилиши режалаштирилаётган Шўрбулоқ сув ombори Амударёнинг қуйи oқимида сув тақчил йилларда сув таъминоти яхшилаш, худудда балиқчилик, қорвачилик, боғдорчиликни ривожлантириш ва қўшимча иш ўринлари яратиш имконини беради.

Маълумки, Орол денгизи сатҳи пасайиб, қирғоқдан 180-200 километр узоқлашиб кетгани Амударёнинг қуйи oқимига кириб келувчи сувлар юқори даражадаги тушиши ва Мўйноқ туманидаги Навба оралиги сув ombори яқинида жарликлар ҳосил бўлишига олиб келмоқда. Бу Мўйноқ сув ombори, Рибачёе, Мақпалқўл, Закиркўл кўлларида сув етиб бормаслиги, худуддаги балиқ ва ҳайвонот дунёси йўқ бўлиб кетиш хавфини туғдиримоқда.

Ушбу хавфнинг олдини олиш мақсадида 2013-2017 йилларда шимоллий ва шарқий дамбаларни реконструкция қилиш ҳамда сув ўтказиш қобилиятини тиклаш ишлари бажарилди. Навбадаги босқичда Майпошт қўли бўйлаб тўғон йўлини тиклаш ва кўлдан Амударёнинг эски ўзанига сув ўтказиш имконини берадиган гидро-техник иншоот қуриш мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбарига жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш лойиҳаси тўғрисида ҳам маълумот берилди.

Лойиҳа асосида амалга оширилаётган ишлар туфайли Эллиқалъа, Беруний ва Тўртқўл туманларида 100 минг гектарга яқин майдон сув билан таъминланиб, йилга 269 миллион кубометр сув тежаллади. 23 насос станцияси, Сув истеъмолчилари уюшмаси ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги 450 дан ортиқ насос агрегатлари тўхтатилиши ҳар йили 52 миллион киловатт соат электр энергиясини иқтисод қилиш имконини беради.

Президентимиз ирригация соҳасидаги лойиҳаларни сифатли бажариш ва минтақада сув ресурсларидан самарали фойдаланиш юзасидан тавсиялар берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси депутатлари ва фаоллари билан учрашув ўтказди. Унда шу кунгача бажарилган ишлар танқидий таҳлил қилиниб, барча соҳаларни ривожлантириш бўйича келгуси икки йилда амалга ошириладиган устувор йўналишлар ва долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Мамлакатимизнинг тегишли вазирликлари, шунингдек, компания ва банклар раҳбарларини мунтазам равишда худудларга юбориб, жойлардаги қўшимча резервларни излаб топиш, аниқ инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича тadbирлар изчил давом эттиришмоқда, деди Шавкат Мирзиёев. Қорақалпоғистонга бугунги сафардан олдин икки hafta мобайнида ишлар худди шу тартибда ташкил этилди ва қўшимча инвестицияларни жалб этишга йўналтирилган янги дастур лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ушбу дастурга мувофиқ, 2018-2019 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида умумий қиймати 4,5 триллион сўм бўлган 1 минг 300 дан зиёд лойиҳалар амалга оширилади ва қарийб 10 минг иш ўрни яратилади. Жумладан, саноат тармоқларида қиймати 492 миллион долларга тенг бўлган 232 инвестиция лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилади.

Шу билан бирга, Қорақалпоғистонда ёқилғи-энергетика ва кон-металлургия соҳасида умумий қиймати 3,4 миллиард доллардан ортиқ 5 та йирик лойиҳани жорий этиш режалаштирилмоқда, деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Айни пайтда шиддат билан ўзгариб бораётган замон муқаддас ислом дини аҳкомларини нотўғри талқин қилиш, уларни сохталаштириш йўли билан турли фитна ва бузғунчиликлар содир этилаётгани динимизнинг софлигини сақлаш, унинг тинчлик ва инсонпарварликдан иборат асл моҳиятини жамият аъзолари ва, айниқса, ёшларга етказишга қодир, юқори даражада илмий ва диний салоҳиятга эга мутахассисларни тайёрлашни тақозо қилмоқда.

Республикада фаолият олиб бораётган олий ва ўрта махсус диний таълим муассасаларини юқори малакали илмий кадрлар билан таъминлаш, тайёрланаётган мутахассисларнинг илмий ва касбий салоҳиятини ошириш, қуръоншунослик, тафсир ва фикҳ, ҳадисшунослик, калом илми йўналишлари бўйича магистрларни, етук илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази ва Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтининг Ўзбекистон Ислам академиясини (кейинги ўринларда Академия деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги тақлиф маъқуллансин.

Белгилансинки, Академия Ўзбекистон мусулмонлари идораси муассислигидаги диний ва дунёвий таълим берувчи нодавлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Ислам академиясининг тузилмаси иловлага мувофиқ маъқуллансин.

Академия ректорли, зарур ҳолларда, муассис томонидан белгиланган ходимларнинг умумий сони доирасида Академиянинг тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилсин.

3. Қуйидагилар Академиянинг асосий вазифалари этиб белгилансини инобатга олинсин:

"Қуръоншунослик", "Фикҳ илми", "Ҳадисшунослик" ва "Калом илми" мутахассислиги бўйича магистрларни, шунингдек, ушбу соҳада чуқур тадқиқотлар олиб боровчи илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш;

ислом динининг, Қуръони карим ва ҳадис илмининг асл моҳиятини, фикҳ, ҳадисшунослик мактабининг илмий-маънавий асосларини ҳар томонлама теран ўрганиш ва тадқиқ қилиш; ислом динининг асл моҳиятини, унинг башариатни эзгуликка элтувчи дин эканлигини илмий асосланган ҳолда теран ўрганиш ҳамда тарғиб этиш;

ислом дини соҳасидаги долзарб мавзулар бўйича халқаро илмий-амалий анжуманларда иштирок этиш;

мамлакатимизда фаолият олиб бораётган ва хорижий олий диний таълим муассасалари ҳамда бошқа ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш;

кадрлар тайёрлаш жараёнига етук мутахассислар ва ўқитувчиларни жалб қилиш орқали илм-фан ва таълимнинг ўзаро интеграциясини чуқурлаштириш;

илмий тадқиқотлар натижалари бўйича диний-маърифий, маънавий-ахлоқий йўналишлардаги илмий-оммабоп адабиётларни тайёрлаш ва нашр қилиш;

ислом оламида юзага келётган долзарб масалаларга оид илмий-амалий анжуманлар ўтказиш;

илмий тадқиқотларнинг йўналишлари ва мавзуларини белгилаш, халқаро тadbирларда иштирок этиш, илмий-амалий анжуманлар ташкил қилиш, илмий меросни ўрганиш ишларида Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази билан ҳамкорлик қилиш.

4. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг тақлифига мувофиқ қуйидагилар:

Академия магистратурасига (кейинги ўринларда магистратура деб аталади) олий таълим муассасаларининг камида бакалавр даражаси дипломига эга бўлган, Академияда тайёрланадиган мутахассисларни ихтисослигига мос келадиган йўналишларни битирган Ўзбекистон ва хорижий давлатлар фуқаролари қабул қилиниши;

2018/2019 ўқув йилида ва кейинги йилларда магистратурага қабул қилиш Республика олий таълим муассасаларининг магистратурасига ўқишга қабул қилиш бўйича белгиланган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилиши;

магистратурада ўқиш мuddати икки йил ҳисобланиб, у кундузги таълим шаклида олиб борилиши;

Академияда юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талаблари асосида амалга оширилиши;

магистратурага 2018/2019 ўқув йили учун қабул квотаси жами 16 та ўрин этиб ҳамда кейинги йиллар учун қабул квотасини шакллантириш ушбу соҳадаги талаб ва эhtiждан келиб чиққан ҳолда Академия муассисини томонидан белгиланиши назарда тутилсин.

5. Белгилансинки, магистратура битирувчиларига бериладиган давлат намунасидаги диплома Ўзбекистон Республикасида олий диний таълим соҳасидаги тегишли мутахассисликлар бўйича магистрлик даражасини берувчи олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат деб эътироф этилади.

6. Ўзбекистон мусулмонлари идорасига:

Академиянинг устави, магистратура таълим йўналишлари бўйича давлат таълим стандартлари, ўқув жараёнини сифатли ташкил этиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқишда жaҳондаги илгор ижобий тажрибани атрофлича ўрганиш, таҳлил этиш ва амалиётга жорий қилиш;

Академия магистратураси мутахассисликлариди ўқишни давом эттириши мумкин бўлган мос бакалавр йўналишлари рўйхатини белгилаб бериш;

Академиянинг илмий-педагог кадрлари таркибини асосан мамлакатимиздаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси тизимида фаолият кўрсатаётган, шу жумладан, хорижий таълим (илмий) муассасаларида малакасини ошириб келган, юқори савияли профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлар, шунингдек, соҳанинг салоҳиятли етук мутахассислари – амалиётчилардан шакллантириш тавсия этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2018/2019 ўқув йили бошлангунча қадар Академияни Ўзбекистон Республикаси худудиди фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасалари учун мажбурий бўлган зарур ўқув-методик ҳужжатлар билан бепул таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги Академияда олий таълимдан кейинги таълим босқичида ислом динининг, Қуръони карим ва ҳадис илмининг асл моҳиятини, тафсир ва фикҳ, ҳадисшунослик мактабининг илмий-маънавий асослари бўйича тадқиқот ишларини олиб боровчи юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашга қўмаклашсин.

9. Академия фаолияти қуйидаги манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши инобатга олинсин:

муассис томонидан ажратиладиган маблағлар; жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари; халқаро молиявий институтлар, хорижий ташкилотлар, донор мамлакатлар ва ташкилотларнинг грантлари; қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита бир ой мuddатда Академиянинг давлат рўйхатидан ўтказилишида амалий ёрдам кўрсатсин.

11. Академия Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази биносида текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштириш маълумот учун қабул қилинсин.

12. Мазкур қарорнинг ихросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Х.Султонов ва Р.Камилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2017 йил 15 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Юртимиз азалдан ислом илм-фани ва маданияти марказларидан бири сифатида эътироф этилган. Имом Бухорий, Бурхониддин Марғиноний, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Махмуд Замахсарий, Мухаммад Кафол Шоший, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Мухаммад Хоразмий, Аҳмад Фароний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий сингари қўллаб мутафаккирларимизнинг боқий номи ва бой мероси нафақат минтақамизнинг маънавий ривожига, айни вақтда жaҳон цивилизацияси тарихида муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистонда диний таълим тизими ўзининг қадим ва улмас аънаваларига эга. Масалан, ўрта асрлардаёқ Бухоро ўзининг мадрасалари ва улаомлари билан шухрат қозониб, ҳақли равишда "Ислом олами-нинг қуввати" унвонига сазовор бўлган. Самарқанд ва Бухорода Мирзо Улуғбек қурдирган мадрасалар ўрта асрларнинг университетлари вазифасини бажарган. Мустиқиллик шарофати билан юртимизда диний ва миллий кадриятларнинг тўла тикланди. Улуғ аждодларимизнинг хотираларига муносиб эхтиром кўрсатилиб, улар қолдирган бой илмий-маънавий меросни ўрганиш учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Айни вақтда аждодларимизнинг диний-маърифий меросини янада теран ўрганиш ва таҳлил қилиш, уларнинг илмий аънаваларини муносиб давом эттириш бугунги авлод олдида турган долзарб вазифалардан саналади.

Бугун шиддат билан ўзгариб бораётган глобаллашув даврида дунёда муқаддас ислом дини аҳкомларини нотўғри талқин қилиш, уларни сохталаштириш йўли билан турли фитна ва бузғунчиликлар содир этиш ҳолатлари қузатилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бундай мураккаб вазият динимизнинг софлигини сақлаш, унинг тинчлик ва инсонпарварликдан иборат асл моҳиятини аҳоли ва, айниқса, ёшларга етказишга қодир, юқори даражада илмий ва диний салоҳиятга эга мутахассисларни тайёрлашни тақозо қилмоқда.

Бугунги кунда Республикаимизда фаолият юритаётган Тошкент ислом институти ва Бухородаги Мир Араб олий мадрасасида 366 нафар талаба тахсил олмақда. Уларга илм ўргатаётган 87 нафар ўқитувчидан 12 нафари фан номзоди ва 38 нафари фан магистри илмий даражасига эга. Ўрта махсус ислом билим юртиларига эса жами 1071 талабага 246 нафар педагог дарс бермоқда. Улардан 12 нафари фан номзоди ва 33 нафари магистрлик илмий даражасига эга. Ушбу илмий даражалар учун ҳимоя қилинган диссертацияларнинг мавзулари бевосита ислом дини илмлари йўналишида бўлмай, илмий изланишлар асосан ёндош соҳаларда олиб бориладигани таъкидлаш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилнинг 1 сентябрида Тошкент шаҳридаги Ҳазрати Имом мажмуасида давлат, жамоат ва ёшлар ташкилотлари, диний соҳа вакиллари билан учрашувда диний таълим ўқув юртлири, илмий тадқиқотлар марказларини юқори илмий савия ва малакага эга мутахассислар билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти тақлифига асосан Ўзбекистон Ислам академияси ташкил этилмоқда.

Мамлакатимиздаги амалдаги қонунчилик ва дунёвий мамлакатлар қонунчилигини эътиборга олган ҳолда тузилаётган мазкур академия нодавлат олий диний таълим муассасаси мақомида фаолият олиб боради.

Академия ҳузурида магистрлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш, исломшунослик фанлари магистри, фалсафа доктори ва исломшунослик фанлари доктори илмий даражаларини бериш бўйича Ихтисослашган илмий кенгаш фаолияти йўлга қўйилди.

Академиянинг ташкил қилиниши юртимизда ислом дини назариясини чуқур эгаллаган, буюк аждодларимизнинг бебаҳо илмий-маърифий меросини теран ўрганган, диний ва дунёвий илмлар, хорижий тилларни пухта ўзлаштирган ҳар томонлама етук мутахассислар тайёрлаш имконини яратди.

Академияда машғулотлар ўтказиш, илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш жараёнига Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Тошкент ислом университети, Ўзбекистон Миллий университетининг профессорлари, фан доктор



24 декабрь – Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов куни

БИТТА МАҚСАД БИЗНИ БИРЛАШТИРАДИ – ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ

Мана ўлкамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида жуда муҳим воқеа – Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман кенгашларига сайловлар жараёни ўзининг энг қизғин палласига кирди. Ҳозирда ҳар бир сиёсий партия сайловчилар орасида ўз сайловолди устуворликларини асослашга қаттиқ бел боғлаган пайт ҳисобланади.

Партиямиз томонидан ушбу муҳим паллада ишни янада самарали ташкил қилишга жуда катта аҳамият қаратилмоқда. Бу бежиз эмас албатта.

Шу ҳафта сўнгидея барча сайловолди ҳаракатларимизнинг якуни бўлган сайловлар куни экан, ЎзЛиДеП учун ушбу сайловларда қатнашиш жуда муҳим аҳамият касб этганини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Бу энг аввало ЎзЛиДеПнинг давлатимиз раҳбари ташаббуслари билан қабул қилинган ва мамлакатимизнинг тақдирига бевосита таъсир доирасига кирадиган 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида илгари сурилган вазифаларнинг тўлақонли ва самарали амалга оширилиши, биринчи навбатда ҳудудларда, бевосита шаҳар ва туманларда ушбу вазифаларнинг ҳаётга қандай жорий этилиши билан боғлиқ эканлиги билан белгиланади. Қолаверса эндиликда Тошкент шаҳридаги ҳар бир туманининг ўз бюджетига эга бўлиши ва уни қабул қилиш ҳамда ижросини назорат этиш устидан ваколатларининг янги ташкил этилаётган халқ депутатлари туман Кенгашларига берилиши бу борада мутлақо янги имконият бўлди, дейишмиз мумкин. Шу тўғрисида ЎзЛиДеП халқ депутатлари туман Кенгашларидаги депутатлари сафини кенгайтириш орқали ушбу ишловларда фаол иштирок этишни мақсад қилиб қўйган.

Биз бунинг пойтахтимиз ҳокимият вакиллик органлари ва жамоатчилигининг Тошкентдаги социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ишловларнинг рўйбга чиқариш, туман Кенгашлари томонидан маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижросини таъминлаш, туманларни ривожлантириш истиқболли дастурларини амалга ошириш, маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилаш устидан назорат ўрнатиш борасидаги ролининг кучайиши учун улкан имконият деб биламиз. Сайловларда сайловчилар эркин овоз бериш йўли билан ўзларининг эртанги кунини ва пойтахтимизни истиқболда ривожлантириш йўлини белгилайдилар.

Айтиш мумкинки, сайловларда иштирок этиш билан боғлиқ аниқ мақсадларни қўйилганлиги партиямиз томонидан "Биргаликда пойтахтимизни янада обод шаҳарга айлантирамиз" деган асосий шир остида сайловчилар эътиборига қаратилган "Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Тошкент шаҳрида халқ депутатлари туман Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловлардаги иштирокига оид мақсад ва вазифалари"да ўз аксини топти.

Тошкент шаҳрининг социал-иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги мавжуд муаммолари ва имкониятларини, қолаверса, пойтахт аҳолисини ўйлантирган масалаларни атрофчила таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган партиянинг сайловлардаги иштироки билан боғлиқ устуворликлар нафақат ушбу масалаларни ўртага қўйиш, балки бозор иқтисодиёти механизми, тадбиркорликка кенг йўл очиб орқали уларни ҳал қилишнинг аниқ йўллари билан ажралиб туради. Хусусан, партиянинг ушбу сайловолди устуворликлари доирасида илгари сурилган "Тошкент – яшаш ва ишлаш учун қўлай шаҳар", "Яқин истиқболдаги Тошкент – инвестицияларни жалб этиш ҳамда бизнесни ривожлантириш учун энг жозибадор шаҳар", "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – пойтахтнинг кучли ва янги иқтисодиёти асоси", "Тошкент – инновацион иқтисодиёт тараққий этган шаҳар", "Тошкент – йўл-транспорт инфратузилмаси ривожланган шаҳар", "Тошкент – энергия самарадорлиги

Давлат харидлари тизими мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, айни чоғда унинг Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотигаги улуши 11 фоизга яқинини ташкил этади. Бинобарин, давлат товларлар ва хизматларнинг йирик буюртмачиси ва истеъмолчисидир. Шу боис у давлат харидлари жараёнини самарали амалга ошириш учун очиқ-ошқора ва рақобатли шарт-шароитларни шакллантириш чора-тадбирларини кўради.

КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

Электрон давлат харидлари механизми жорий этилиши бюджет ташкилотларининг эҳтиёжлари учун товар ва хизматларни харид қилиш жараёнининг очиқлигини таъминлаш имкониятини яратмоқда. Бунда харид қилинаётган товар ва хизматларнинг нархлари етказиб беришчилик ўртасидаги соф рақобат шароитида шаклланимоқда.

Харидлар жараёнининг очиқ-ойдинлиги ҳамда етказиб беришчиларнинг аксарият қисmini кичик бизнес субъектлари ташкил этаётгани маҳсулотлар таннаҳиясини пасайтириш, нархларни манипуляция қилишнинг олдини олиш ҳамда улар устидан олиб бориладиган давлат ва жамоат назорати самарадорлигини оширишга қўмақлашмоқда. 2011 йилдан буён харид ҳақидаги эълонларни жойлаштиришдан тўлиқ савдолар якуний натижаларини эълон қилинишигача бўлган жараён электрон савдо тизими орқали амалга оширилмоқда.

Давлат харидлари бўйича электрон савдоларини ушбу жараёнида буюртмачининг битта буюртмаомасига 10 дан зиёд етказиб беришчи ўз тақлифларини тақдим этмоқда. Электрон савдо тизими мунтазам тақомиллаштирилмоқда. Хусусан, 2015 йил 1 июндан бошлаб "Электрон каталог" (каталог.уз.уз) жорий этилган. Мазкур лойиҳанинг мақсади давлат харидлари тизими фаолиятини янада жадаллаштириш ва соддалаштириш, шунингдек, жараёнга тадбиркорлик субъектларини кенгроқ жалб этишдан иборат.

Давлат харидлари бўйича электрон аукцион савдолар илк бор 2011 йилда бошланган. Уларда 166 миллиард сўмлик битимлар тузилган ва бунда кичик бизнес субъектларининг улуши 89 фоизни ташкил этган. 2015 йилда 497 миллиард сўмлик битимлар тузилиб, уларнинг 99 фоизи кичик бизнес вакиллари улушига тўғри келган. Савдо

га асосланган иқтисодиётга эга шаҳар", "Тошкент – саломатлик жамиятнинг муҳим бўлиги ва аҳолининг турмуш тарзи сифатида кадрланадиган шаҳар", "Тошкент – бандлик тўла таъминланган ва барча ўзига муносиб иш топадиган шаҳар", "Тошкент – ёшлар шаҳри" каби ғоялар ҳамда уларни ҳаётга татбиқ қилиш борасида илгари сурилган аниқ механизмларнинг кўрсатиб берилганлиги сайловчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Айтиб ўтиш керакки, фуқароларимиз ушбу ғояларнинг ҳар бирини бугун ўз вақтида илгари сурилган ғоялар сифатида, жонажон шаҳримиз, азиз пойтахтимизни Президентимиз айтганидек дунё мегаполисларига хос таъминотлар асосида ривожлантириш борасида илгари сурилган топшириқлари руҳига мос ғоялар сифатида қабул қилдилар. Энг муҳими, номзодларимиз томонидан ушбу ғоялар илгари сурилганда сайловчилар уларни фақат тинглабгина қолмасдан, тўлиқ қўллаб-қувватлаш баробарида янада тақомиллаштириш борасида ҳам ўз фикрларини билдириб ўтишдики, бу ҳам яна бир бор ЎзЛиДеП сайловолди устуворликларида илгари сурилган ғояларнинг аҳоли томонидан қанчалик қизғин қўлиб олинганлигини далиллади.

Партиямиз ўз Сайловолди дастурида шунингдек, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшлар ва ғояларнинг интеллектуал салоҳиятларини оширишга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш, бу борада фуқаролик институтлари фаолиятини кучайтириш, хусусий капитални жалб этиш ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасига замонавий тиббиётнинг энг сўнгги ютуқларини татбиқ этиш, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизлар ролини ошириш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, масофавий таълимнинг замонавий шакллари жадал суръатлар билан ривожлантириш чораларини қўриш каби тақлифларни илгари суради.

Илм-фан, юксак технологиялар шиддат билан ўсиб бораётган ҳозирги замонда мамлакатимиз аҳолиси, айниса, ёшларимизнинг интеллектуал салоҳиятнинг ҳар томонлама юксалиши юртимиз тараққиётида муҳим ўрин тутди. Партиямиз ўз олдида қўйган мақсадларни амалга оширишда ҳаммага иштовқидли ва билимли ёшларга таъин келган ва бундан кейин ҳам бў йўналишдаги ишларни изчиллик билан давом эттиради.

Аҳоли билан ўтказилган кенг қўламли учрашувлар жараёнида партиядан кўрсатилган ҳар бир номзод фақатгина партиянинг ушбу сайловлардаги иштироки билан боғлиқ мақсад ва вазифалар билан чекланмасдан, ўз округи доирасидаги энг долзарб масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратишга, уларни ҳал қилиш масалаларини ўз сайловолди дастурларида акс эттиришга ҳаракат қилиди.

Айни пайтда жойларда барча сиёсий партияларнинг сайловолди ташкиоти ўтказилмоқда. Бугунча номзодлар томонидан 700 га яқин учрашувлар амалга оширилди. Олти мингга яқин хонадонларга бевосита ташриф буюрилиб, отақон ва онақонларнинг, хонадон соҳиблари орасида кенг тушунтириш ишлари амалга оширилди. Бу ҳафтада ушбу ишлар янада кенгроқ қўламли давом эттирилади. Сайловчилар билан учрашувларда муштарак мақсадлар аён бўлмоқда. Номзодларимиз аҳоли билан учрашувларда уларни ўз сайловолди дастурлари билан таништиришмоқда. Сайловчилар ҳам ўзлари истиқомат қилаётган ҳудуддаги муаммолар юзасидан муножот қилишяпти.

Масалан, қариб барча туманларда ўз тадбиркорлигини ривожлантиришга қизиқиш билдираётган ёшлар мурожаат билан

Маҳаллалар қадим-қадимдан эзгулик бешиги, тарбия ўчоги, миллий удумлар, урф-одат, анъаналар шаклланган маскан ҳисобланган.

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, барча жаҳонларда бўлгани каби маҳалла тизимининг ҳам янги истиқболга йўл очилди. Бугунги кунда ўзини ўзи бошқариш тизимининг мавқеи янада мустақамланди, маҳалланинг янги-янги имконият ва қирралари очилиб, элу юрт ривожини йўлида хизмат қилмоқда.

Юнусобод тумани ҳокимлигида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши томонидан "Маҳаллаларда маънавий-маърифий ишларни кучайтиришнинг ташкилий-ҳуқуқий механизми" мавзусида ўқув-семинарлар ташкил этилди.

Тадбирда Тошкент шаҳар туманлари ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари ҳамда хотин-қизлар қўмиталари раислари, маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашларнинг ижро аппаратлари ходимлари, маҳаллалар раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссиялар раҳбарлари қатнашди.

Маънавият бешиги сифатида маҳаллада улғайётган фарзанд оқ ва қора, яхшию ёмон ҳақидаги дастлабки маълумотларни ҳудди шу масканда олади, дунёқараши оиласи, қўни-қўшнилари, маҳалла-қўй таъсирида шаклланади. Шу нуктага назардан, воқеа етаетган ёш авлод оиласидаги, маҳалласидаги маънавий муҳитдан озуқа олиб камол топади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги "Маҳалла институти янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида маҳалла институти янада тақомиллаштиришнинг устувор йўналишлари белгиланган бўлибди. Ушбу устувор йўналишлардан бири сифатида жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини шакллантиришда, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантиришда, шунингдек ёшларни маънавий бой ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларни мафқуравий таҳдидлардан ҳимоя қилишда маҳаллаларнинг аҳамияти ва нуфузини янада ошириш назарда тутилган.

Президентимизнинг мазкур фармонида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, Республика Маънавият ва маърифат марказининг жойлардаги тузилмалари билан маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, фуқаролар йиллиларида маънавий-маърифий соҳадаги ишларни янада тақомиллаштириш, бу борада Маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссиялар фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида семинарлар ўтказилмоқда. Мазкур фармон ижросини таъминлаш мақсадида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

чизиши. Хусусан, кредит олиш, жой билан имтиёзли таъминлаш масалаларида турли мурожаатлар бўлди. Тошкент шаҳрининг барча туманларида кичик саноат зоналари тизимини янада кенгайтиришга эҳтиёж борлиги билдирилди. Бектемир туманининг баъзи маҳаллаларида мактабга таълим муассасалари ва ўрта мактабларнинг етишмаслиги масалалари кўтарилди, сайловчилар томонидан шундай таълим масканлари барпо этилса, мақсадга мувофиқ бўлиши айтиб ўтилди. Миробод туманида сайловчилар ёшларнинг, айниса, уюшмаган ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича қилинадиган ишлар қўлинига тўқталиб ўтишди. Туманининг айрим кўчаларидаги ер ости иссиқ сув қурувлари яроқсиз ҳолатга келиб қолганини, уларни тезликда янгилаш зарурлиги айтилди. Мирзо Ўлугбек тумани сайловчилари эса келгусида тадбиркорлар томонидан қуриладиган кичик ва катта савдо шохбачалари, аҳолига хизмат кўрсатувчи сервислар ва бошқа ишшоотларда ногиронлар учун махсус йўлакчалар ташкил этиш хисобга олинса, уларга қўлайликлар яратилса деган тақлифларни билдиришди. Сергели тумани кўндал кўнга чирой очиб, қўркам ва обод ҳудудга айланиб бормоқда. Янги ишоотлар, ўй-жойлар, савдо масканлари қурилиши натижасида аҳоли турмуши янада фаровонлашмоқда. Шу билан бирга баъзи муаммолар сақланиб қолаётгани, бўлғуси депутатлар албатта уларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги айтиб ўтилди. Мисол учун, туманининг бир қатор маҳалла ва катта кўчаларида йўллар талаб даражасида эмас. Бундай ҳолат шаҳарнинг Шайхонтоқур, Утепа ва бошқа туманларида ҳам учрашиш алоҳида эътибор қаратилди. Утепа туманида шунингдек, йирик ва ўрта ишлаб чиқариш корхоналарини қўлайтириш, шу орқали бандлик масалалари енчимни топиш мумкинлиги таъкидланди. Баъзи маҳаллалардаги симёғочларнинг яроқсиз ҳолатга келиб қолгани учрашувларда сайловчилар томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилди. Туман марказий поликлиникасининг 31-мавзеда қад кўтарган филиали қурилиши тўғалганган, аммо ҳалигача фойдаланишга топирилмаганига номзодларнинг эътибори қаратилди. Чилнозор туманида давлат-хусусий сектор шериклиги тамойиллари асосида тиббиёт сифатини тўбдан яхшилашга эътиборни қўйишнинг лозими. Янги, поликлиникалар фаолиятини янада жонлантириш кераклиги айтиб ўтилди. Олмазор туманида оилавий тадбиркорлиқ ва корхоналарни қўлайтириш ҳамда улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар учун махсус дўкон ёки савдо шохбачаларини барпо этиш масалалари кўтарилди. Яшнобод туманида уй бекаларини оилавий тадбиркорликка жалб қилиш учун тегишли шартит яратиш мақсада мувофиқлиги айтиб ўтилди. Юнусобод туманидаги баъзи мактабларда бошланғич синфларнинг йўқлиги, бу ҳал қилиниши зарур масалалардан эканлиги таъкидланди. Тошкент шаҳридаги айрим мактабларда битта синфдаги ўқувчилар сонин 50 нафардан ошиб кетганига эътибор қаратилди. Аксарасида туманида ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, наққирон авлоднинг замонавий касб-ҳунарларни эгаллаши, ҳар бир туманининг ўзига хос имкониятларидан келиб чиқиб касбга йўналтириш борасидаги масалаларни самарали ҳал қилиш лозим бўлади.

Албатта, ҳурматли сайловчиларимиз томонидан билдирилган ушбу талабларнинг барчаси инобатга олинади ва улар юзасидан тегишли ишлар амалга оширилади.

Аҳоли билан бевосита учрашувлардан ташқари партия Сайловолди дастури ҳамда номзодларимиз тўғрисидаги маълумотларни аҳолига етказишнинг замонавий усулларидан кенг фойдаланишга ҳам ҳаракат қилинди. Ҳафтанинг ҳар дўшанба кўни телеэфирга узатиладиган кўрсатувлардан ташқари, радио, қўча ва метроларда, аҳоли дам олиш жойларида тегишли электрон ва тарғибот воситаларидан фойдаланган ҳолда тушунтириш ишлари йўлга қўйилди.

Айниқса партиянинг интернет сайти, қолаверса, ижтимоий тармоқлар орқали кенг тарғибот ишлари амалга оширилди. Бевосита ЎзЛиДеПнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларидан ташқари айнан сайлов учун махсус ташкил этилган ҳар бир туман Кенгаши депутатларининг ижтимоий тармоқлардаги гуруҳлари

аҳолига ўз сайловолди устуворликларини таништириш учун катта имконият бўлди. Ушбу гуруҳларда сайловчилар ўзларининг номзодларига бевосита савдолар билан мурожаат қилиш ва уларга жавоб олиш имкониятига эга бўлишди.

Буларнинг барчаси партиямизнинг ушбу сайловларга қанчалик жиддий ёндашганлигини кўрсатувчи мисоллардир. Бугун биз тарихий бир даврда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳномалигида халқимиз ўз олдида эзу ва улғу мақсадлар қўниб, тинч-осойишта ҳаёт кечираётган. Ўз куч ва имкониятларига таяниб демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшамокдамиз.

Ҳар бир фуқаро Ўзбекистонда қандай жамият барпо этилаётганига бефарқ эмас, аксинча, бунга катта ишонч ва орзу-умидлар билан қарамокда. Ватанимиз ҳар томонлама тараққий этиб, аҳоли турмуши яхшиланиб бормоқда. Бу нимадан дарах беради? Албатта, юртимизда тинчликнинг барқарор таъминлаб келинаётганидан. Истиклолни асраб-авайлаш, сарҳаларимиз дахлсизлиги ва миллий ҳавфсизлигимизни сақлаш, мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш Ўзбекистон раҳбариятининг доимий диққат марказида бўлиб келапти. Мамлакатимиз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг жамиятнинг барча соҳаларида кенг қўламли ишловлар амалга оширилди. Бу борада мамлакат тараққиёт режалари тузилар экан, ривожланишнинг фақат назарий жиҳатига эмас, балки амалиётда тўлиқ акс этишига ҳам алоҳида эътибор берилди. Энг қўварлиси, юртдошларимизнинг онги ўзгарди.

Сайловларнинг очик ва ошқоралик, соғлом рақобат муҳитида ўтиши Ўзбекистон танлаган тадрижий тараққиёт йўлининг ниҳоятда тўғри эканлини яна бир бор намоян этади. Шу маънода ушбу сайловга бошқа сиёсий партиялар қатори ЎзЛиДеП ҳам, унинг барча бўғинлардаги аъзолари, депутатлари, электорат вакиллари ҳам жиддий ёндашмоқдалар.

Сир эмаски, сайлов натижалари ҳар қандай сиёсий партия учун ўз ғоя ва мақсадларининг жамият ҳаётидан қай даражада ўрин эгаллашини билдиради. Бу эса ушбу муҳим имтиҳонда бошланғич партия ташкилотларидан тортиб фракциямиз аъзоларигача бир тану бир сон бўлиб ҳаракат қилиш лозимлигини кўрсатади.

2017 йилги сайлов мамлакатимизда ажуудга келган янги сиёсий шартитда ўтаётганини ва олдинги сайловлардан сифат жиҳатидан мутлақо фарқ қилишини ҳам ёдда тутиш лозим. Бу йилги сайловнинг жуда ҳам кескин, ўта курашчан тарзда ўтиши барчамизга аён. Сайловда нафақат сиёсий партиялар, балки ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам ўз номзодлари билан иштирок этади.

Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайловларда ижобий натижага эришишимиз учун партиямиз томонидан ўтган даврда амалга оширилган ишларни ҳолис ва камтарона, бурттирмасдан, сиёсий технологиялар орқали сайловчиларга етказиб бериш жуда муҳим. Бу эса зиммаларга алоҳида масъулият юкляйди. Демак, барча имкониятимиз, тажрибамиз белгиланган мақсад ва режаларни рўйбга чиқаришга қаратилиши даркор.

Тадбиркорлиқни ривожлантириш жамиятимиз тараққиёти ва фаровон ҳаётимизнинг энг муҳим кафолатидир.

ҲУРАМАТЛИ САЙЛОВЧИЛАР! ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ, ВАТАН РАВНАКИ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ ТАРАФДОРИ БЎЛСАНГИЗ, ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

ИСТИҚБОЛИМИЗ – АЗМИ ҚАТЪИЙ ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН!

ЎзЛиДеП

Тошкент шаҳар Кенгаши

ТАДБИРКОРЛАР ИШТИРОКИДА ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Коррупция нафақат бир давлатда, балки ер юзидаги барча давлатларнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига салбий таъсир этадиган иллатлардан бири эканлиги кундай равшан.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш шароитида коррупция каби салбий ижтимоий воқеликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ҳар бир давлатнинг қонунчилигида порахўрлик ижтимоий ҳавфи қилмиш сифатида қораланади ва бунинг учун жинойий жавобгарлик белгиланган. Бунда у энг аввало, мамлакатнинг давлатчилик асосларига, унинг сиёсий ва иқтисодий ҳавфсизлигига путур етказида. Шу билан бирга, фуқароларнинг ижтимоий адолат, ҳақиқат ва давлат органларига бўлган ишончини йўқотди.

Олмазор тумани давлат солиқ инспекциясида "Халқаро коррупцияга қарши кураш қуни" муносабати билан ўтказилган коррупция ва бошқа салбий ҳолатларга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш масалаларига бағишланган тадбирда бу жиҳатларга алоҳида тўқталиб ўтилди.

Унда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган, солиқ инспекцияси ходимлари, тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан туман солиқ инспекцияси бошлиғи Шўхрат Арипов ва бошқалар коррупция ҳар қандай давлат, жамиятнинг сиёсий, иқтисодий тараққиётига зарар етказувчи, давлатнинг конституциявий асосларини емирувчи, демократик институтлар ва қонун устуворлигини заифлантирувчи, ижтимоий ҳаёт барқарорлигига таҳдид солувчи ижтимоий ҳавфи ҳодиса эканлигини таъкидлаб ўтди.

Учрашув давомида йиғилганларга амалдаги қонунларга қатъий риоя қилиш, порахўрлик ва таъмағирлик каби иллатларга йўл қўймаслик бўйича тегишли кўрсатма ва тушунтиришлар берилди.

Тадбир сўнгидея иштирокчилар ўзларини қизқитириган барча саволларга атрофича жавоблар олишди.

Зарина РУСТАМОВА

Зиёда РАСУЛОВА

